



“Гадиклайман”  
“Ягона буюртмачи хизмати” ИК  
директори  
Ш.Отаев

2022 й.

Энг яхши таклифларини техник **БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдо- ри	Оферентлар		
<b>I. Тендерда иштирок этиш буюртмасини таъминлаш.</b>					
<b>I - шакл</b> Ишларни бажаришда фойдаланиладиган машина-механизм, зарур асбоб-ускуна ва анжомлар рўйхати. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган, лойиҳа ташкилотининг ўзига тегишли зарур асбоб-ускуна ва анжомлар ва шунингдек асосий офиси борлиги. (20 балл)					
1.	Енгил автомашина – мавжуд булса (Техник паспорт илова қилган холда); (ижара шартнома асосида фойдаланилшганда баллар 50% камайтиради)	2			
2.	Лойиҳа қидирув ишларини олиб боришда камида 8 дона зарур бўладиган махсус асбоблар мавжудлиги (нивелер, теодалит, лазерний метр ва бошқалар)	3			
3.	Лойиҳани ишлаб-чиқиш учун зарур бўладиган: Компьютер (жамланма) – 10 дона; Принтер, плоттер, сканер ва бошқа зарур. – 6 дона;	9			
4.	Лойиҳа қилиш учун махсус дастурлар – камида 4 та; (AutoCad, 3d Max, LIRA, ABC4 ва ҳақозо)	4			
5.	Лойиҳа ташкилотининг ўзига тегишли кўчмас мулк офиси борлиги (кадастр ҳужжатлари илова қилинган холда), ижара ёки бепул бинодан фойдаланиши юзасидан (Асословчи ҳужжатлар жумладан, ижара шартнома ёки бинодан офис сифатида фойдаланиб келинаётганлиги тўғрисида мулк эгасининг маълумотномаси илова қилинади) (ижара шартнома асосида фойдаланишганда баллар 50% камайтиради)	2			
<b>II - шакл</b> Танловга қўйилган объектга ўхшаш объектлар бўйича иш тажрибаси. Кейинги 3 йилда ўхшаш объектлар бўйича бажарган ишлари, бундан олдинги бажарган ишларини ўз муддатда бажарганлиги лойиҳа ташкилот 2 ёки 3-тоифали бўлиши шарт, шунингдек махсус лицензия талаб қилинадиган ҳолларга эътибор қаратилади, (25 балл)					
1	Иштирокчининг кейинги 3 (уч) йилда ўхшаш объектлар бўйича лойиҳа-қидирув ишларини сифатли бажарганлиги; (Тасдиқланган объекларнинг рўйхати ва шартномаси ҳамда ҳисоб-китоб фактураси)	12			
2.	Объектдан фойдаланувчилар томонидан эътирозлар бўлмаганлиги, шунингдек бундан олдин объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда (лойиҳа қидирув ишларини) ўз муддатида бажарганлиги.  (Лойиҳа ташкилоти томонидан объектларнинг лойиҳа-смета (лойиҳа-қидирув) ҳужжатлари шартномага асосан муддатида бажарилганлиги тўғрисида буюртмачи ташкилотлар томонидан берилган маълумотномалар)	8			
3.	Муддати ўтган ишлари бўлмаслиги, муаллифлик	5			

	назоратини ўз муддатларида юритганлиги алоҳида эътибор қаратилади. <i>(Муаллифлик нazorатини амалга ошириши бўйича камида 1 та ходимнинг малака сертификати мавжудлиги)</i>				
--	---	--	--	--	--

### III - шакл

**Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотлар. Танлов иштирокчисининг кейинги 3 (уч) йил ичидаги молиявий ҳолати, аудитор компанияси ёки солиқ органлари томонидан тасдиқланган баланс ҳисоботларини илова қилган ҳолда (асл нусха) (20 балл)**

1.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги (охирги бир ой ичида берилган банк тамонидан тасдиқланган маълумотномаси)	3			
2.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50 млн. сўм ва ундан кўп	3			
3.	Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати хизмат кўрсатувчи банк тамонидан тасдиқланган маълумотнома. Картотека-2	3			
4.	Танлов иштирокчисининг кейинги 3 (уч) йил ичидаги молиявий ҳолати корхона раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан тасдиқланган. <i>(Бош ҳисобчи мавжуд бўлмаган ҳолатда корхона раҳбари томонидан имzolанади)</i>	5			
5.	Солиқ органлари томонидан тасдиқланган қарздорлик тўғрисида маълумотнома (Солиқ органи томонидан тасдиқланган)	3			
6.	Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади)	3			

### IV – шакл

**Танлов иштирокчиси тўғрисида маълумотлар. (Танлов иштирокчисининг ташкилий тузилмаси бўйича маълумот, Танлов иштирокчиси ҳақида умумий ахборот, Лойиха ишларини олиб боришга лицензияга эгаллиги, Қидирувишларини олиб боришга лицензияга эгаллиги ёки қидирув ишларини олиб бориш учун лицензияга эга малакали ташкилот билан шартномаси мавжудлиги, Эгаллаб турган лавозими бўйича олий маълумотга эга ҳамда лавозимидаги иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган 1 та раҳбар ходимлар борлиги, (20 балл)**

1.	Эгаллаб турган лавозимида иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган, дипломга эга камида 2 нафар лойихачи-муҳандислар ва иш бажарувчилар (ГИП, ГАП) борлиги,	10			
2.	Эгаллаб турган лавозимида иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган, дипломга эга қидирув ишлари бўйича камида 2 нафар мутахассислар борлиги (шартнома асосида жалб этилган топосёмка геология ишлари учун),	4			
3.	Доимий асосда ишлайдиган камида 8 та малакали ходимлар борлиги ва диплом, паспорт нусхалари, ходимлар иш тажрибаси меҳнат дафтарчаси, my.gov.uz электрон тизимидан мазкур ойда олинган бўлиши керак	4			
4.	Шу жумладан охириги йилда малака оширган ишчилар сони-камида 1 та	2			

**V. Қурилиш майдонини кўрганлик ҳақида фото расмлар ва маълумот, (қурилиш майдони билан танишганлиги буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилот билан бирга туширилган расмлари билан) 15 балл**

1.	Қурилиш майдонини кўрганлик ҳақида фото расмлар ва маълумот (15 балл) *Изоҳ маълумотнома бўлмаган тақдирда (10 балл)				
----	--	--	--	--	--

## Изоҳлар:

Танлов иштирокчиси янги ва реконструкция қилиш объектларнинг лойиха-смета (лойиха-қидирув) ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа, мукамал тамъирлаш объектлари ёки жорий тамирлаш объектлари бўйича баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа таклиф рад этилади.

Таклиф куйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди:

-агар таклиф танлаш комиссиясининг балл бериш натижаларига кўра, I ва II шакиллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади ва қолган ҳужжатлар кўриб чиқилмайди.

Иштирокчиларнинг таклифлари юқорида кўрастилган танлаш таклифларнинг мезонларига биноан баҳоланади.

### Комиссия раиси

Б.Сопаев



### Комиссия раиси ўринбосари:

М.Ходжаев



### Комиссия аъзолари:

Р.Машарипов



А.Худайбергенов



З.Боғибеков



### Комиссия ҳайъати котиби:

Д.Абдурахмонов



**“КЕЛИШИЛДИ”**

Хоразм вилояти қурилиш  
бошқармаси бошлиғи



 Б.Каримов

«  » 2022 йил

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Хоразм вилояти  
хокими ўринбосари





 Б.Курбанов

«  » 2022 йил

**“КЕЛИШИЛДИ”**

Хоразм вилояти автомобиль  
йўллари ҳудудий бошқармаси  
бошлиғи



 Ф.Саъдуллаев

«  » 2022 йил

**“КЕЛИШИЛДИ”**

Хоразм вилояти ҳокимлигининг  
“ЯБХ” ИК директори



 Ш.Отаев

«  » 2022 йил

### ЛОЙИҲАЛАШ ТОПШИРИҒИ

**Хоразм вилояти шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида ички кўча ва йўлларининг транспорт қатнови қисмларида қаттиқ йўл қопламаларини қуриш, жорий таъмирлаш ва реконструкция қилиш объектлари**

Урганч – 2022 йил



№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1	2	3
1	<b>Бош буюртмачи</b>	Хоразм вилояти ҳокимлигининг “ЯБХ” ИК
2	<b>Бош лойиҳачи</b>	Лойиҳа ташкилотини аниқлаш амалдаги қонунчиликга мувофиқ тендер-савдолари асосида амалга оширилади.
3	<b>Бош пудратчи</b>	Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш орқали аниқланади (ПҚ-249 18.05.2022й.(4-банди, 5-хат боши)).
4	Лойиҳалаш учун асос	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги ПҚ-249-сонли қарори;</li> <li>2. Хоразм вилояти ҳокимининг 2022 йил 6 июндаги №266-12-0-Q/22-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2022 йил 7 майдаги 09-05/4962-сонли хати билан тақдим қилинган йўриқномаси;</li> </ol>
5	<b>Қурилиш тури</b>	Янги қурилиш
6	<b>Объект жойлашган ўрни</b>	Хоразм вилоятининг туман ва шаҳарларида
7	<b>Қурилиш тури</b>	Янги қурилиш
8	<b>Лойиҳалаштириш босқичлари</b>	Ҳукумат қарор ва фармоишларига асосан ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ажратилган лимитга мутаносиб равишда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишланади.
9	<b>Лойиҳалашнинг алоҳида шартлари</b>	Хоразм вилояти шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида ички кўча ва йўлларининг транспорт қатнови қисмларида қаттиқ йўл қопламаларини қуриш, жорий таъмирлаш ва реконструкция қилиш объектларини лойиҳалаштиришда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида ички кўча ва йўлларининг транспорт қатнови қисмларида қаттиқ йўл қопламаларини қуриш ва реконструкция қилиш” йўриқномаси (Лойиҳа-смета ҳужжатлари ШНҚ 2.05.02-07 4-сон “Автомобил йўллари”, ШНҚ 2.07.01-03 3-сон) асосида.
10	<b>Шаҳар ва йирик аҳоли пунктлардан йўлни ўтказиш шарти</b>	ШНҚ 2.05.02-07 4-сон “Автомобил йўллари”, ШНҚ 2.07.01-033-сон “Шаҳарсозлик”, ҚМҚ 2.05.03-12 2-сон “Кўприклар ва қувурлар”.
11	<b>Жойнинг тавсифи</b>	Текислик
12	<b>Йўлнинг асосий кўрсаткичлари</b>	Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган асосий кўрсаткичлар Йўл пойи эни _____ м. Қатнов қисмини кенглиги _____ м. Қопламасининг тури <b>ц/бетон.</b>
13	<b>Лойиҳалаштириш бошланғич маълумот</b> учун	Лойиҳанинг смета ҳужжатларида ҳисобга олиниши керак бўлган устама харажатлар, имтиёзлар миқдори, қўшимчалар ёки бошқа харажатларга коэффицентлар буюртмачи томонидан тақдим қилинади.

14	<p>Таклиф қилинадиган бино иншоатлар, объектлари, тармоқлари қурилишига талаблар.</p> <p>инфратузилма муҳандислик ва уларнинг қўйиладиган</p>	<p><b>1) Хоразм вилояти шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида ички кўча ва йўлларида транспорт қатнови қисмларида қаттиқ йўл қопламаларини қуриш, жорий таъмирлаш ва реконструкция қилиш объектлари қурилиши бўйича лойиҳалашда қуйидагилар кўзда тутилсин: (ШНК 2.07.01-03), (ҚМҚ 2.04.18-97), (ШНК 3.06.03), (ШНК 3.06.03-21 нинг 7.36-банди).</b></p> <p><b>Йўллари бетонлаштириш бўйича лойиҳалашда:</b></p> <p><b>Аҳоли пунктларининг ички кўчалари тоифасига қуйидагилар қиради:</b></p> <p><b>турар жой ҳудудларидаги кўчалар</b> - турар жой ҳудудларининг ичида транспорт ва пиёда алоқалари, магистраль кўчаларга чиқиш, енгил, махсус ва туманга хизмат кўрсатувчи юк транспортининг ўтиши учун муҳалланган;</p> <p><b>дахалар</b> (квартал, массив, маҳалла) <b>ичидаги кўчалар</b> - транспорт воситаларининг турар жой бинолари ва қурилиш объектларига бориши. Енгил, махсус ва хизмат кўрсатувчи юк транспортининг ўтиши.</p> <p>1.1. Цементбетон қопламали ички йўллар тўшамалари, қоида тариқасида, қуйидаги таркибий қатламларга эга бўлади: асос қатлами, текисловчи қатлам ва цементбетон қоплама.</p> <p>1.2. Йўриқномадан фойдаланишнинг (илова қилинади) барча ҳолатларида қопламанинг конструктив хусусиятлари, асос тури, бетон қопламани парваришlash ва чокларни кесиш услубини маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда боғлаш керак.</p> <p>1.3. Йўл қурилиши уни кесиб ўтадиган ер ости коммуникациялари қурилишидан олдин бўлган ҳолларда, манфаатдор ташкилотлар билан келишилган ҳолда, йўлнинг яхлитлигини бузмасдан, кейинчалик коммуникацияларни ётқизиш учун корпусларни (гильза) ёки бошқа қурилмаларни олдиндан ётқизилиши лозим.</p> <p>1.4. Янги қурилган бетон қопламаси лойиҳавий мустаҳкамликнинг камида 70% гача эришгунга қадар, лекин 7 кундан кам бўлмаган вақт давомида парваришlash ишлари бажарилиб, ушбу вақт давомида транспорт воситалари ҳаракати чекланиши лойиҳада кўрсатилиши лозим.</p> <p>1.6. Аҳоли пунктлари ички кўчаларининг цементбетон қопламалари қуйидаги ўлчамларда қурилиши тавсия этилади:</p> <p>турар жой ҳудудларидаги кўчаларда: қалинлиги - 18 см, эни 6,0 м;</p> <p>дахалар ичидаги кўчаларда: қалинлиги - 16 см, эни 4,5 м;</p> <p>нишаблиги - 15% (1 м га 1,5 см) қабул қилинади. (Йўриқноманинг 1-шловасига қаранг).</p> <p>Маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, лойиҳа ҳужжатлари билан ушбу ўлчамларга аниқлик киритилиши мумкин.</p>
----	---	--

## II. Бетон қопламалар ва асослар учун материалларга қўйиладиган талаблар:

2.1. Цементбетон қопламалари ва уни тайёрлаш учун материаллар ГОСТ 26633 талабларига жавоб бериши керак.

2.2. Цементбетон қопламалари учун қўлланиладиган цементлар ГОСТ 10178 ва ГОСТ 31108 талабларига мос келиши керак.

2.3. Бетон қоришмаларида қўлланиладиган майда ва йирик тўлдирувчилар майдаланиши (дробимость) ва едирилиш (истираемость) бўйича маркаси, совуқбардошлиги, донадорлик таркиби, чангсимон ва лойсимон зарралар миқдори ГОСТ 26633 нинг А иловаси А.2-бўлими талабларига мувофиқ бўлиши керак.

2.4. Бетон қопламаси учун қўлланиладиган бетон қоришмасининг сув- цемент нисбати ва бетон таркибидаги ҳаво ҳажми қуйидаги жадвалга асосан қабул қилинади.

Конструктив қатлам	Сув цемент нисбати, кўпи билан	Бетон қоришмаси таркибидаги киритилган ҳаво ҳажми, %
Бир қатламли	0,45	5,0-7,0

2.5. Бетон қоришмаси таркибини танлаш (рецептура тузиш) ГОСТ 27006 га мувофиқ лаборатория усулида амалга оширилади.

2.6. Бетон қоришмасини марказлашган ҳолда, ГОСТ 7473 асосида бетон компонентлари (цемент, сув, кимёвий қўшимчалар ( $\pm 1\%$ ), тўлдирувчи (чакиктош, кумлар,  $\pm 2\%$ ) нисбатини таъминлай олувчи бетон узеллардан олинади.

2.7. Бетон қоришмасининг таркиби, тайёрлаш, қабул қилиш қоидалари, назорат усуллари ва ташиш ГОСТ 7473 га мос бўлиши керак.

2.8. Цементбетон қопламасининг сикилишдаги мустаҳкамлиги буйича - В20 (250), совуқбардошлилиги буйича - F<sub>2</sub>100 (ГОСТ 26633) бўлиши таъминланиши лозим.

Маҳаллий шароитдан келиб чикиб, ҳисоб-китоблар асосида ушбу кўрсаткичларга аниқлик киритилиши мумкин.

## III. Бетон ётқизиш технологияси:

Шағал-қум аралашмасидан асос қатламини қуриш ва текисловчи қатламни ётқизиш

3.1. Лойиҳавий нишабликни таъминлаш мақсадида йўл пойи асосини лозим даражада текислаш ва зичлаш ишлари амалга оширилади.

3.2. Асос қатламининг қалинлиги маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, лойиҳачи, буюртмачи ва синов лабораториялари билан келишилган ҳолда 18 см дан кам бўлмаган қалинликда белгиланади.

3.3. Муқаддам шағал-қум аралашмаси ётқизилган кўчаларда амалдаги зичлиги зарур ҳолатларда эса эластиклик модули текширилиб, лаборатория синовлари натижасига асосан, қўшимча зичлаш, қўшимча асос қатламини ётқизиш бўйича қарор қабул қилинади. Айнан шу ишларни бажарилиши лойиҳачининг ташаббуси билан амалга оширилади.

3.4. Зарур ҳолатларда (цементбетон қоплама сатхининг аҳоли яшаш хонадонларидан кўтарилиб кетганда, йўл пойи мустаҳкамлигини йўқотганда, йўл нишаблигини таъминлаш зарурати бўлганда ва бошқалар) уйма (корыта) очилиб, асос қатламини кўриш ишлари қайта бажарилади.

Тупроқли йўлларда мазкур йўриқномада назарда тутилган асос қатлами бажарилади.

3.6. Асос қатламини қуришда. ШНҚ 3.06.03 бўйича чангсимон ва лойсимон зарралари миқдори 15% гача бўлган, қум миқдори эса камида 30% ни ташкил этувчи шағал-қум аралашмаси қўлланилади. Ётқизиладиган табиий шағал-қум аралашмасида энг йирик зарралар миқдори 70 mm дан катта бўлмаслиги лозим. Бунинг учун қурилиш объектига сараланган материал келтирилиши лозим.

3.7. Шағал-қум аралашмасини ётқизишда аралашма +10% дан ортиқ бўлмаган оғиш билан оптималликка яқин намликка эга бўлиши керак. Агар намлик етарли бўлмаса, аралашма зичлашдан 20-30 дақиқа олдин намланиши лозим.

3.8. Бетон қопламаси мавжуд асосга ётқизилганда, асос қатламининг амалдаги эгилиш модули текширилиб, йўл тўшамаси конструкциясини ҳисоблашда инобатга олинади. Мавжуд асоснинг эгилиш модули талаб этилган қийматлардан кам бўлган тақдирда, шағал-қум аралашмасидан қўшимча қатлам ётқизилади.

3.9. Асос қатлами катоклар ёрдамида ШНҚ 3.06.03-21 нинг 7.36-банди талабларига мувофиқ зичланади.

3.10. Текисловчи қатлам асос қатлами юзасидаги нотекикликларни бартараф этиш, қопламанинг бир хил қалинлигини таъминлаш, ҳарорат ўзгарганда қоплама плиталарининг ҳаракатини таъминлаш, транспорт воситалари ҳаракатидан тушадиган босимни тенг равишда тақсимлаш, плиталардаги кучланишларни камайтириш учун мўлжалланади.

3.11. Мавжуд шағалланган йўллар автогрейдер ёрдамида кўндаланг ва бўйлама профили тўғирланиб, текисловчи қатлам сифатида чақиқтош-қум аралашмаси ётқизилади.

3.12. Текисловчи қатлам 5-20 mm фракцияли чақиқтошга 30% гача қум аралаштирилган чақиқтош-қум

аралашмасининг ҳажми ўртача 3 см қалинликдан келиб чиқиб ҳисобланади. Аралашама асос усти қўл ёрдамида текисланади.

3.13. Чақиқтош-қум аралашмаси текисловчи қатлам материали оптимал намликнинг 70% дан кам бўлмаган миқдорда намланиши керак. Бетон қоришмасидаги намлик текисловчи қатламга сўрилиб кетмаслиги учун ётқизишдан аввал, қўллатиб сув сепилади.

3.14. Текислаш ишлари жараёнида геодезик ўлчовлар амалга оширилади.

3.19. Бетон қоришмасини ётқизиш ишлари ҳаво ҳарорати  $+5^{\circ}\text{C}$  дан  $+30^{\circ}\text{C}$  гача бўлганда бажарилади. Ҳаво ҳарорати  $+30^{\circ}\text{C}$  дан юқори, нисбий намлик эса 50% дан кам бўлганда бетон ётқизиш ишларини куннинг кечки вақтларида бажариш тавсия этилади.

3.20. Бетон қоришмасини объектга ташиб келиш вақти ҳаво ҳарорати  $+20^{\circ}\text{C}$  дан  $+30^{\circ}\text{C}$  гача бўлганда 30 дақиқадан,  $+20^{\circ}\text{C}$  дан кам бўлганда 45 дақиқадан, бетон чиқарилгандан сўнг, ётқизиб зичланишга кетадиган умумий вақт эса 1,5 соатдан ортик бўлмаслиги лозим.

Ташиш вақтида ҳаво ҳарорати  $+25^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлганда бетон қоришмаси ташқи муҳитдан химоя қилиниши ва таркибидаги намликнинг буғланишидан сақловчи махсус материал билан ёпилиши керак бўлади.

3.21. Ётқизилган бетон қоришмаси кичик механизмлар (виброрейка ва чуқур вибраторлар) ёрдамида қоплама юзасига ишлов берилиб қопламанинг лойиҳавий кўрсаткичлари ва профилига келтирилади. Бунда, ётқизилган бетон қоришмаси дастлаб чуқур вибраторлар билан зичланади.

3.22. Бетон ётқизилганидан 1-2 соат ўтгандан сўнг қопламанинг юзаси юзани текислаш машинаси билан силлиқланади ва тайёр қоплама юзасига нейлон шётка ёрдамида гадир-будурлик (шероховатость) ҳосил қилинади. қоплама юзасига ва қирраларига ишлов берилганда ҳамда чоклар очилганда бетонни сув билан намлашга йўл қўйилмайди.

3.23. Бетоннинг қотиш жараёнида ва парвариш қилиш учун қопламанинг тайёр майдони тўсиқлар ва оғохлантириш белгилари билан тўсилиши керак.

3.24. Жойлардаги тупроқларнинг геологик хусусиятларидан келиб чиқиб замин асослари заиф бўлган (ерости сизот сувларининг сатхи баланд бўлган, бўш тупроқ, қумлок ва ш.к. жойларда) ҳудудларда, шунингдек инерт материаллар танқис бўлган ҳудудларда, бетон қопламанинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида геосетка, геотекстиль, фибра ва базальт толали ҳамда бошқа полимер материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ерости сизот сувларининг сатхи баланд, тупроқ

шўрланиши юқори бўлган ҳамда цементга агрессив грунтлар бўлган худудларда цементбетон қопламаларни ётқизишдан олдин асоснинг юқори қисмига ГОСТ 10354 бўйича В (В<sub>1</sub>) маркали, қалинлиги 0,3-0,4 mm бўлган полиэтилен плёнка қоплаш мақсадга мувофиқдир.

(йўриқноманинг 1-иловасига қаранг).

3.25. Йулдан фойдаланиш даврида юзага келувчи бузилишларни олдини олиш мақсадида хар бир бетон ётқизилган участкада кўндаланг ишлайдиган деформацион чоклар очилади. Ҳаво хароратига қараб, бетон қопламаси ётқизилгандан сўнг 24 соатдан ошмаган вақт ичида чокларни кесиш ускунаси ёрдамида, эни 3 mm дан кам бўлмаган деформацион чоклар очилиши керак. Деформацион чоклар бўйлама ўқга перпендикуляр бўлган битта тўғри чизикни хосил қилиши керак.

Қопламанинг деформацион чокларини кесиш жараёни бетон юзаси кесилганда титилиб кетмайдиган холатда (сикилишдаги мустаҳкамлиги 8,010,0 МРа га етганда) хар 4 m да ва катнов қисми кенглиги 4,5 m дан катта бўлган холатларда бўйлама деформацион чоклари (коплама умумий қалинлигининг 1/3 қисми чуқурлигида) очилади.

Чоклар очилгандан сўнг чанг ва бегона нарсалардан ва коплама тошларидан тозаланади.

3.26. Кенгайиш чокларига сувда намланган юмшоқ ёғочдан (ёки пенопласт, пеноплекс ва ш.к.) ясалган 3 sm қалинликдаги, цементбетон қопламаси ичида қоладиган тахталар қопламанинг бутун қалинлиги бўйича ўрнатилади. Кенгайиш чоклари йўлнинг хар 40 m дан ошмаган масофада ҳамда кўчаларнинг кесишуви жойларида қурилиши лозим.

Сифатга қўйиладиган асосий талаблар

Асос қатламининг зичланганлиги ШНК 3.06.03 нинг 7.36-бандига мувофиқ баҳоланади.

Цементбетон қопламага қўйиладиган асосий талаблар

4.1. Цементбетон қопламанинг юзаси текис, илашимли (шероховатость), бўшлиқларсиз, қопламанинг қирралари ва чокларнинг қирралари овал шаклга эга бўлиши, қопламанинг ён юзаларида говаклар бўлмаслиги керак.

4.2. Лойиҳавий ўлчамлардан рухсат этилган оғишлар:

копламанинг эни бўйлаб.....±5 см;

қалинлиги бўйлаб.....±10%;

кўндаланг оғиши бўйлаб.....±0,5%.

Турар жой худудларидаги кўчаларда цементбетон қоплама қатламлари: В20 (М250), F2100 маркали

цементбетон қоплама (ГОСТ 26633 буйича)  $h = 18$  sm,

Даҳалар ичидаги кўчаларда  $h = 16$  sm, Чақиқтош қўшилган

қумли текисловчи қатлам Қум-шағал арашмали асос

қатлами, ўртача 3 sm қалинликдан келиб чикиб

хисобланади(ШНК 3.06.03-21 буйича) Геосетка,

		<p>геотекстиль, фибра ва базальт толали ҳамда бошка полимер материаллар, ёки полиэтилен пленка <math>h = 0,3-0,4 \text{ m}</math>, чангсимон ва лойсимон зарралар қум-шағал аралашмаси билан 15%, қум миқдори камида 30%, лекин 18 см дан кам эмас. Пиёда йўлаклари болалар ва ногиронлар аравачаларининг ҳаракатини ШНҚ 2.07.02.07 - “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” талабларига мувофиқ таъминлаши зарур. Дарахтларгача белгиланган масофа сақлансин; Норматив талабларга жавоб берадиган маҳаллий материаллардан фойдаланилсин; Лойиҳада трасса боши ва охири пикетларда кўрсатилиб лойиҳалансин; Ишчи лойиҳада 25м узунликда кўндаланг кесим кўрсатилган ҳолда лойиҳалансин; Бўйлама кесимда реперлар кўрсатилиши шарт.</p>
15	<p><b>Лойиҳани “Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ва лойиҳаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш марказидан ўтказиш.</b></p>	<p>Ишлаб чиқилган ва тегишли ташкилотлар билан келишилган лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертлар томонидан берилган замечаниелар ўз вақтида (бир кун муддатда) бажарилиши ва натижаси юзасидан ёзма жавоб берилишини таъминлаш.</p>
16	<p><b>Лойиҳалашда эришиш зарур бўлган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар</b></p>	<p>Йўлнинг техник-фойдаланиш кўрсаткичларини зарурият ва меъморий талаблардан келиб чиқиб, такомиллаштириш тутилиши лозим (ўтказиш қобилияти, ҳаракат ҳавфсизлиги, Ташиш таннархини камайтириш ва ҳаказо) ва ШНҚ 2.05.02-07 4-сон талабларига кўра бир ўққа тушадиган оғирлик аниқлик киритиб ҳисоблансин.</p>
17	<p><b>Қурилишнинг алоҳида шарт-шароитлари</b></p>	<p>Сейсмиклик даражаси-ҚМҚ га биноан қабул қилинади</p>
18	<p><b>Ҳудудни тиклаш ва ободонлаштириш бўйича талаблар</b></p>	<p>Ердан оқилона фойдаланиш таъминланиши лозим. Атроф-муҳитни химоялаш, бузилган ерларни тиклаш ишлари харажатлари кўзда тутилиши керак.</p>
19	<p>Объектни молиявий манбаи</p>	<p>Бюджет ва маҳаллий бюджет маблағлари</p>
20	<p>Мухандислик изланишлари зарурлиги.</p>	<p>Топогеодезик ва мухандислик-геологик изланишлар лойиҳа таркибида бажарилади.</p>
21	<p>Ишларнинг бошланиш ва якунланиш муддати.</p>	<p>2022 йилда бошланади. 2022 йилда тугалланади.</p>
22	<p>Лойиҳа ечимларини келишиш.</p>	<p>Объектнинг лойиҳалари туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари, қурилиш бўлими, Ўзбекистон ногиронлар жамияти Хоразм вилоят бўлими, СЭОМ, ФВБ, ХАЙФХБ, туман ободонлаштириш бошқармаси, Йўллардан фойдаланиш корхонаси газ таъминоти, электр таъминоти, ичимлик сув таъминоти ва</p>

		тегишли МФЙ раислари билан келишилишини лойиҳачи амалга оширади.
23	Лойиҳа – смета хужжатлари талаби	- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 сентябрдаги риёсат мажлисининг 130-сонли баёнининг 4 бандига асосан; -бир хил қувват ва ҳажмдаги объектлар учун ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета хужжатлари якуни бўйича аниқланган қийматлар ўртасида кескин тофовутлар юзага келишига йўл қўймаслик, лойиҳа-смета хужжатларида қурилиш ва жиҳозлаш ҳажмларини тўлиқ инобатга олмаган лойиҳа ташкилотларига нисбатан конунчилик доирасида тегишли чоралар қўрилиши, лойиҳа-смета хужжатларининг сифати ва асосланганлиги ҳамда меморий ва техник ечимларнинг юзасидан лойиҳа ташкилотларининг жавобгарлигини кўчайтириш, лойиҳа-смета хужжатларини экспертизадан ўтказишда объектнинг чекланган қиймати аниқ белгиланишини таъминлаш; Лойиҳа-смета хужжатларида юқорида инобатга олинган хато-камчиликларга тофовутларга йўл қўйилса хато-камчиликлар лойиҳачи ташкилотнинг томонидан бартараф қилиниб, лойиҳачи ташкилотнинг ўз маблаҳлари ҳисобидан тўғирланади ва конунчилик доирасида лойиҳачига нисбатан чоралар қўрилади, барча жавобгарлик лойиҳачи зиммасига юклатилади;
24	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича талаблар.	Меъёрий хужжатлар талаблари асосида лойиҳада акс этади
25	Фуқоро муҳофазаси ва ФВВ талаблари бўйича муҳандис-техник ишланмалар.	Берилган техник шартлар ва ҚМҚ асосида.
26	Ишлар қийматини аниқлаш.	Ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 20__ йил __-чорак катологи бўйича тайёрланган, комиссия томонидан тасдиқланган ўртача нархларга асосан жорий нархларда амалга оширилсин.
27	Бошқа талаблар	Тайёрланган барча лойиҳалар буюртмачига электрон шаклда, смета 2-нуска қоғоз шаклда, лойиҳалар 4 нуска қоғоз шаклда топширилади.

“Буюртмачи”  
“ЯБХИК” бош муҳандиси:



Б.Сапаев

“Буюртмачи”  
“ЯБХ”ИК лойиҳа бўлими бошлиғи



М.Ходжаев

“Буюртмачи”  
“ЯБХ”ИК лойиҳа бўлими етакчи мутахассиси



Отажонов К.